

# «ТАСДИКЛАЙМАН»

Сурхондарё вилояти «Чавандозлар»  
мактаби директори

Ш.Сагторов.



## Техник Документ

### Б у ю р т м а ч и

Сурхондарё вилояти «Чавандозлар» мактабига озукабоп экинлар экиш учун ажратилган ер майдонида кишлок хужалиги экинлари етиштириш агротехнологик харитаси асосида ишларни ташкил этиш буйича ишлар

2022 йил

## Умумий қисм

### Танловда иштирок этиш таклифи

#### 1 Умумий ҳолат

- 1.1 Ушбу танлов ҳужжатлари «Давлат харидлари тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги уринларда қонун )
- 1.2 Танлов Мавзуси Сурхондарё вилояти «Чавандозлар» мактабига озуқабоп экинлар экиш учун ажратилган ер майдонида кишлок хужалиги экинлари етиштириш агротехнологик харитаси асосида ишларни ташкил этиш бўйича ишлар
- 1.3 Танлов таклифида курсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.
- 1.4 Хизматлар курсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган
- 1.5 Танлов комиссияси йигилишнинг шаклари-онлайн.

#### 2. Танлов ташкилотчилари

- 2.1. Сурхондарё вилояти «Чавандозлар» мактаби
- 2.2 Комиссиянинг ишчи танлов комиссияси
- 2.3 Танлов қаида беш аъзодан иборат буюртмачи томонидан тузилган танлов комиссияси томонидан тузилган.

#### 3 Танлов иштирокчилари

- 3.1 Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин

#### 4. Танлов узқизиш тартиби

- 4.1. Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:

А) Танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон шаклини олиши (юклар олиши):

Б) Мазкур йуриқнома талабларига мувофиқ малакага оид ҳужжатлар ва танлов таклифини тақдим этиши:

4.2 Танлов иштирокчилари танлов ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари ва давлат харидлари тугрисидаги ҳужжатлар талабларига, мазкур йуриқномага ва танлов ҳужжатларига мос таклиф ва ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

4.3 Танлов таклифининг тақдим этилиши танлов иштирокчиси юқорида кўрсатилган материалларни ўрганганлиги, шунингдек тадқиқ қилганлиги ва унда иш ҳажми, материаллар ва танлов билан назарда тутилган ишлар бажарилишига (хизматлар кўрсатилишига, товар етказилишига) таъсир кўрсатадиган бошқа шартлар бўйича саволлари йўқлигининг далили ҳисобланади.

4.4 Таклиф қилган шахслардан, улар ушбу танловнинг барча қисмларини ишлаб чиқишлари ва мазкур йуриқномага мувофиқ иш олиб боришлари кутилади. Танлов учун белгиланган шаклда талаб этилган барча ахборотнинг тақдим этилмаслиги ёки тўлиқ бўлмаган танлов ҳужжатларининг тақдим этилиши бундай таклифларнинг танлов шартларига мувофиқ бўлмаган таклиф сифатида рад этилишига олиб келади.

4.5. Танлов иштирокчи бошланғич нархдан 3 (уч) фоиз миқдорида зақалат маблағи танлов таклифларини қайтарилмаслигини таъминлаши лозим.

## 5 Танлов тили

5.1 Танлов таклифи ва у билан боғлиқ барча ҳужжатлар ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасидаги хат ёзишувлар ўзбек ёки рус тилларида тақдим этилади. Хорижий тилда тақдим этилган ҳужжатларга иштирокчининг муҳри билан тасдиқланган ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси илова қилиниши шарт. Биттадан кўп тилдан фойдаланилганда танлов таклифининг матнида фарқлар мавжуд бўлган тақдирда, ўзбек ёки рус тили устун бўлади.

5.2. Танлов таклифи ҳужжатларида ҳеч қандай сатрлар орасига киритилган қўшимчалар, ўчирилган жойлар ва қўшимчалар кучга эга эмас ва кўриб чиқилмайди.

## 6 Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби

6.1. Танловда иштирок этиш учун Иштирокчи танлов таклифларини электрон конверт кўринишида ўзининг шахсий кабинетини орқали электрон танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этиши керак

6.2. Иштирокчининг танлов таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган форматларда тақдим этилади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

6.3. Танлов таклифга қўшимчасида иштирокчилар давлат хариди объекти бўлган эскиз, расм, чизма, фотосурат, тасвир, намуна ва бошқа ҳужжатлар киритиши мумкин. Эскиз, расм, чизма, фотосурат ва бошқа тасвирлар, намуналар тақдим этилмаганлиги иштирокчини танловда иштирок этишдан четлатиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

6.4. Бунда иштирокчиларнинг танлов таклифлари электрон тизимдаги шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

6.5. Агар танлов таклифи “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг ва танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

6.6. Танлов таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлов иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

6.7. Электрон танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта танлов таклифини беришга ҳақли. 7.8. Электрон танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

## 7 Танлов таклифлари қориб чиқиш тартибтаомили, тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари

7.1. Электрон танлов харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлов таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради. Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак. Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги

маълумотларнинг иштирокчининг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

7.2. Агар танлов таклифи Қонуннинг ва танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлов таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

7.3. Харид комиссияси танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади. Таклифларнинг кўриб чиқиш учун комиссия буюртмачи мутахассислари орасидан, шунингдек экспертларни ва консультация ташкилотларини жалб қилиш имкони билан, ишчи гуруҳ ташкил этишга ҳақли. Ишчи гуруҳ томонидан тегишли хулоса тайёрланади ва кўриб чиқиш учун комиссияга тақдим этилади.

7.4. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

7.5. Танлов таклифи танлов ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади.

7.6. Танлов таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади. Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади. Танлов ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгилаган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

## **8. Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя этиш**

8.1. Танлов ташкилотчилари ва иштирокчилари танлов шартларини тўлиқ бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

8.2. Шартнома бўйича (миқдор, сифат ва техник параметрлари бўйича) мажбуриятларни бажармаган танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва/ёки тузилган шартномада кўзда тутилган жавобгарликка тортилади. 10.3. Ижрочилар ёки ҳар қандай шахс билан ўз муносабатларида танлов ташкилотчиси (давлат буюртмачиси)нинг ходими ҳеч қандай ахборотни ошкор қилмайди, агар бундай ахборотнинг ошкор қилинмаслиги давлат хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор қилиниши қонунга зид бўлса, қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашга тўсқинлик қилса, ижрочиларнинг қонуний тижорат манфаатларига зарар етказса ёки ҳалол рақобатга тўсқинлик қилса, агар фақат ваколатли орган томонидан бундай ахборотнинг ошкор қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинмаса, ушбу ҳолда бундай қарор шартларига амал қилинади. Харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиб, иштирокчи таклифлар қабул қилиш муддати тугагандан сўнг таклифларда у томонидан кўрсатилган барча маълумотлар эълон қилинишига розилик беради.